



№67 (920)
2025 йил 12 август,
сешанба

О'ЗБЕКИСТОН BUNYODKORI

ijtimoiy-iqtisodiy
gazeta

СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

uzbunyodkor t.me/uzbunyodkor uzbunyodkor info@uzbunyodkor.uz uzbunyodkor.uz

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.

ЯККА ТАРТИБДАГИ ТАДБИРКОРЛАР ВА ЎЗИНИ ЎЗИ БАНД ҚИЛГАН ШАХСЛАР УЧУН МАХСУС ҲУҚУҚИЙ РЕЖИМ ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев якка тартибдаги тадбиркорлар ҳамда ўзини ўзи банд қилган шахслар учун қулай шарт-шароитлар яратишга оид тақдимот билан танишди.

Тадбиркорликни ривожлантириш мамлакатимизда стратегик вазифага айланган. Иқтисодиёт равнақи, аҳоли бандлиги ва турмуш фаровонлигида бу соҳанинг ўрни жуда катта. Шу боис бизнес юришти қоидалари соддалаштирилиб, қулайликлар ошириб борилмоқда. Рақамли технологиялар омалашаётгани бунда қўл келаётир. Буни давом эттирган ҳолда, шаффоф тадбиркорлик муҳитини шакллантириш, нақдсиз тўловлар учун қулайликларни кенгайтириш кўзда тутилмоқда.

Унга қўра, якка тартибдаги тадбиркорлар ва ўзини ўзи банд қилган шахслар учун 2030 йил 31 декабрга қадар махсус ҳуқуқий режим жорий этилади. Уларни давлат рўйхатидан ўтказишдан тортиб ҳисоботни топширишгача бўлган барча асосий хизматларни бирлаштирувчи интеграцияланган рақамли платформалар яратилади. Жумладан, фаолиятни расмийлаштириш, банк ҳисобварақлари очилу ва бошқариш, солиқларни ҳисоблаш ва тўлаш, ҳисоб-китоблар қилиш

ва фискал чекларни шакллантириш ушбу рақамли платформалар орқали юриштилади. Бу тизимда электрон ҳамён очилиши тадбиркорларга даромадларни қабул қилиш, ходимлар, контрагентлар ва ташкилотлар билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш имкониятини беради. Электрон ҳамёнга эга бўлган якка тартибдаги тадбиркорлар ва ўзини ўзи банд қилган шахслар учун банк ҳисобварақларини очиш ихтиёрий бўлади. 2025 йил 1 ноябрдан бошлаб, бу жараёнларда QR-код ва “tap to pay” технологиясидан фойдаланилади. Ҳужжатларни масофавий биометрия ва “SMS хабарнома” орқали электрон калитсиз имзолаш мумкин бўлади. Бу маълумотлар қозғоқ нусхадаги ҳужжатлар билан тенглаштирилади. “Кунлик тўлов” тартиби тажриба тариқасида жорий этилиб, ходимларга тўловларни электрон ҳамён орқали тўлаш имконияти яратилади.

2026 йил 1 январдан бошлаб, йиллик айланмаси 1 миллиард сўмгача бўлган якка тартибдаги тадбиркорлар ва ўзини ўзи банд қилган шахслар учун айланмадан олинандиган солиқ ставкаси 1 фоиз миқдоридан белгиланади. Якка тартибдаги тадбиркорлар ва ўзини ўзи банд қилган шахсларда электрон тўловларни қабул қилувчи махсус QR-код мавжуд бўлиши чакана савдо қоидаларининг мажбурий талаби этиб белгиланади. Рақамли платформаларда пул айланмалари тўғрисидаги маълумот кредит ажратишда инобатга олинади. Президентимиз бу тақлифларни маъқуллаб, якка тартибдаги тадбиркорлар ҳамда ўзини ўзи банд қилган шахслар учун қулай шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарорни имзолади.

Ў.А.

Президент Шавкат Мирзиёев 11 август кунини яширин иқтисодиётга қарши курашиш тизимини тақомиллаштириш бўйича тақлифлар тақдимоти билан танишди.

Давлатимиз раҳбари фақат назоратни қучайтириш билан яширин иқтисодиётни жиловлаб бўлмастганини, аҳоли ва тадбиркорларнинг солиқ маданиятини ошириб, тўғри ишлаганларни рағбатлантириш йўлидан бориш кераклигини таъкидлади.

Ҳар бир соҳа бўйича алоҳида ёндашув қилиб, тадбиркорларга очиқ ва қонуний ишлашни манфаатли қилиш вазифаси қўйилди. Шундан келиб чиқиб, солиқ маъмурчилигини тақомиллаштириш ва рақамлаштириш, бизнесга қўшимча енгликлар бериш, меҳнат муносабатларини яхшилаш бўйича топшириқлар берилди.

БУНЁДКОРЛАР МЕҲНАТИ ЭЪТИРОФ ЭТИЛДИ

Райхона ХУЖАЕВА,
“O'zbekiston bunyodkori” мухбири.

“Ҳар бир қурилган бино – бу бизнинг келажак авлодларга қолдирадиган буюк меросимиз, ҳар бир кўча ва шаҳарчанинг кўринишида сизларнинг қўл изини борлигини, инсонлар бахти ва қувончи айнан сизларнинг меҳнатингиз билан боғлиқлигини ҳеч қачон унутманг. Янги Ўзбекистонни бунёд этишда олдимизда замонавий шаҳарлар, қулай турар жой массивлари, инсонларга шодлик бахш этувчи бетақроқ иморатлар қуриш каби улкан вазифалар турибди ва буни амалга оширишда биз сиздек – мўъжизакор, моҳир ва заҳматқаш қурувчиларимизга ишонамиз ҳамда суюнамиз!”

Бу шарафли сўзларни анъанага кўра, бу йил ҳам Халқаро форумлар саройида бўлиб ўтган Қурилиш соҳаси ходимлари кунига бағишланган тантанали тадбирда Президент Шавкат Мирзиёевнинг соҳа ходимларига йўлаган байрам табриғи сифатида Президент маъбуот котиби Шерзод Асадов ўқиб эшиттирди. Қурилиш соҳаси фахрийлари, тизимдаги меҳнат жамоалари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва бошқа ташкилотлар вакиллари иштирок этган тадбир аввалида Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиғи вазирини Шерзод Хидояттов сўзга чиқиб, соҳа вакиллари самимий муборакбод этди.

Дарҳақиқат, сўнгги саккиз йилда Ўзбекистонда қурилиш индустриясини янги босқичга кўтарилиб, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларидан бирига айланди. Қурилиш соҳасидаги юксалишни янада яққолроқ тасвирлаш учун 2017 йилда мамлакатимизда бор-йўғи 11 мингта махсус техника мавжуд бўлганини, ҳозирги кунда эса уларнинг сони 44 мингтадан ошганини қайд этиш kifоя. Бу эса соҳада техник таъминланганлик даражасининг қанчалик ошганини, қурилиш ташкилотларининг имконияти кенгайганини кўрсатади. Шунингдек, биргина 2024 йилнинг ўзига 2 044 та кўп қаватли уйда 100 мингдан зиёд хонадон барпо этилди. Аҳоли жон бошига тўғри келадиган уй-жой ҳажми



Ўзбекистон Республикаси қурилиш соҳаси ходимлари кунини юртимиз бўйлаб катта байрам шодиёналарига бой бўлди. Пойтахтимиздаги Халқаро форумлар саройида бўлиб ўтган байрам тадбиридан лавҳалар.

2020 йилдаги 16 квадрат метрдан 2025 йилда 19 квадрат метргача ошгани кўп йиллик режаларнинг самараси сифатида кўриломоқда.

Булардан ташқари, аҳолининг уй-жойга бўлган эҳтиёжини барқарор қондириш мақсадида “Янги Ўзбекистон” массивлари барпо этиш дастури илмийлик билан амалга оширилмоқда. Бутунги кунда 56 та массив ташкил этилган бўлиб, уларда 28 минг хонадондан иборат 543 та уй қурилган. Жорий йилда халқимиз ихтиёрига 135 мингта хонадон топширилиши кўзда тутилган. Ушбу массивларда фақат турар жойлар эмас, балки ижтимоий, маданий ва инфратузилма объектлари ҳам қурилаётгани аҳолининг фаровонлигини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Яқин истиқболда, 2030 йилгача “Янги Ўзбекистон” массивлари сони 100 тага етказилиши белгиланган.

Шунингдек, мамлакат тарихида илк бор “Янги Тошкент” каби улкан лойиҳа амалга оширила бошлади. 20 минг гектар майдонда қурилаётган ушбу янги пойтахтда 2 миллион аҳоли учун қулай инфратузилма яратилади. 30 дан ортиқ ахборот тизимлари ишга туширилиб, “Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизими орқали 22 та давлат хизмати рақамлаштирилди. Бу турли бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, инсон омилини камайтириш ва очик рақобат муҳитини шакллантириш имконини бериди. Тендер платформасининг жорий қилиниши эса соҳадаги коррупция ҳолатларга чек қўйишда муҳим роль ўйнади.

Сифат назорати ва жамоатчилик назоратини таъминлаш мақсадида қурилиш кузатиш механизми тўлиқ қайта кўриб чиқилди. Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиғи соҳасида назорат қилиш инспекцияси ўз фаолиятини тўлиқ рақамлаштирди. Барча инспекторлар махсус “body-camera”лар билан таъминлангани уларнинг ишида объективликни ошириш, ҳар бир жараённи тўлиқ ҳужжатлаштириш имконини бермоқда. Шу билан бирга, барча ҳудудий инспекцияларда ташкил этилган “Қурувчи-операторлар штаби” орқали давлат бюджетни ҳисобига олиб борилган қурилиш объектларини реал вақт режимида масофадан туриб кузатиш имкони яратилди. Давлат бюджетни ҳисобидан амалга оширилаётган қурилиш объектларида кузатув камералари ўрнатилиб, улар орқали назорат “Қурувчи-операторлар штаби” томонидан ма-

софавий ва реал вақт режимида амалга оширилмоқда. Бу эса, ўз навбатида камчиликларни вақтида аниқлаш ҳамда бартараф этиш имконини беради.

Қурилиш нархларини аниқ шакллантириш мақсадида “Қурилиш ресурслари миллий классификатори” яратилди. Ушбу платформадан 200 минг турдаги қурилиш материаллари ва ишлар рўйхати ўрин олган бўлиб, сметаларнинг аниқлиги ва иқтисодий омил бўлиб хизмат қилмоқда. Мамлакат миқёсида қурилиш ташкилотлари сони 30 мингтага етди, шунингдек, 12 мингта қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхона фаолият юритмоқда. Соҳадаги инсон капитали сифатида ҳам жиддий эътибор қаратилиб, 2023 йилда ташкил этилган Компетенцияни ривожлантириш институти орқали 11 мингдан зиёд мутахассис малакасини

оширди. Шунингдек, шаҳарсозлик соҳасида ҳам янги босқич бошланди. Бош режаларни ишлаб чиқиш ва уларни геоахборот тизимига жойлаштириш жараёни йўлга қўйилди. 2024 йилда 146 та шаҳарсозлик ҳужжати рақамлаштирилган бўлиб, 2025 йилда бу кўрсаткични 180 тага етказиш режалаштирилмоқда. Ушбу жараёнлар қурилиш ва шаҳарсозлик соҳасида давлат сиёсати тизимли, мақсадли ва замонавий асосда олиб борилаётганидан далолат беради.

Санъатимизнинг таниқли вакиллари иштирокида шўх куй-садолари билан давом этган байрам таасуротларини фидойи касб соҳиблари – моҳир меъморлар ва заҳматқаш қурувчиларнинг дил изҳорлари орқали янада те-ранроқ ҳис қиласиз.

1-бет

Бунёдкорлар меҳнати эътироф этилди

Шерзод ХИДОЯТОВ,

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири:

– Аввало, барчангизни бугунги кутлуг байрам билан чин қалбимдан муборакбод этаман! Ҳурматли Президентимиз томонларидан йўлланган самимий табрик сўзларини эшитиб, барчамиз чуқур ғурур ва ифтихор ҳис этдик. Бу сўзлар соҳамизга бўлаётган юксак эътибор ва ишончнинг ёрқин ифодасидир. Мамлакатимиздаги ислохотларнинг бош мақсади – халқимиз учун муносиб, фаровон ва замонавий ҳаёт шароитини яратишдан иборат.

Эътибор беринг, бугун юртимизда ҳар куни, ҳар соатда бунёдкорлик ишлари авжида. Қад ростлаётган бинолар, яшил боғлар, замонавий мактаблар, шифохоналар ва уй-жойлар – халқимиз орузи, фарзандларимиз келажаги, юртимиз истиқболидир. Биз қурган ҳар бир маскан юртга бўлган муҳаббатимиз ва садоқатимиз ифодасидир. Қурилиш соҳаси юртимиз иқтисодиётининг драйверига айланди. Бу соҳа орқали минглаб инсонлар иш билан таъминланмоқда, маҳаллий ишлаб чиқаришлар кенгаймоқда.

Президентимиз ташаббуслари билан қабул қилинаётган фармон ва қарорлар эса биз учун йўл харитаси, ишонч ва имконият манбаидир. Аҳамиятлиси, ютуқларимиз замирида билим, тажриба ва ватанпарварлик билан бизга йўл кўрсатаётган устозларимизнинг бебахо хиссаси бор.

Азиз ҳамкасблар, юртимизни янада обод қилиш учун биргаликда меҳнат қилайлик! Ишонаманки, сиздаги юксак салоҳият, билим ва фидойилик билан яна кўплаб марраларни забт этамиз. Ниятим, биз қурган иншоотлар халқимиз ғурурига айлансин, обод масканлар эса элга бахт ва барака олиб келсин! Шу йўлда барчангизга куч-қувват, соғлиқ-саломатлик ва улкан омадлар тилайман.



Сирожддин ЭШҚУВВАТОВ,

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси раҳбари:



– Президентимизнинг 2017 йил 7 августдаги “Ўзбекистон Республикаси қурилиш соҳаси ходимлари кун

ни нишонлаш тўғрисида”ги Фармони мувофиқ, 2017 йилдан бошлаб август ойининг иккинчи акшанбаси Ўзбекистон Республикаси қурилиш соҳаси ходимлари кун юртимизда кенг нишонланиб келинмоқда. Бу сана бошқалар учун шунчаки бир кун бўлиши мумкин, аммо фидойи касб соҳиблари учун алоҳида аҳамиятга эга. Айнан кўли гул қурувчилар, маҳоратли меъморлар ва муҳандислар меҳнати билан ҳар бир иншоотнинг маҳсули сифатида яратилаётган бир-бирдан шинам ва кўркам иншоотлар энг аввало, халқимизга, унинг фаровонлигини таъминлашга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Жонажон Ўзбекистонимизга замонавий қиёфа бағишлаш, Ватанимизнинг юксак тараққиётини таъминлаш, халқимиз ҳаётини янада обод ва фаровон этиш йўлида меҳнат қилаётган соҳа фидойиларининг олижаноб хизмати беқиёс аҳамиятга эга. Сизларнинг тинч ва фаровон ҳаётимиз пойдеворини мустаҳкамлаш йўлидаги хизматларингизни ҳеч бир мезон билан ўлчаб бўлмайди. Фурсатдан фойдаланиб, сиз, қурилиш соҳасининг кадрли вакиллари касб байрами билан табриклар, келгусидаги ишларингизда улкан муваффақият тилайман.

Даврон МИЛИЕВ,

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирилик бошқарма бошлиғи:



– Бугунги кунда қурилиш соҳасида давлатимиз раҳбари бошчилигида жуда катта ислохотлар амалга оширилмоқда. Жумладан, рақамлаштириш масаласини олиб қарайдиган бўлсак, қурилиш соҳаси бошқа соҳаларга қараганда рақамлаштириш бўйича анча олдинда. Рақамлаштириш жараёни худди левога ўшшаган нарса, бирини рақамлаштирсангиз яна бошқаси пайдо бўлаверади. Қолаверса, қурилиш соҳасида яширин иқтисодиёт улушини қисқартириш ва кейинчалик буткул олдини олишда ҳам рақамлаштириш жуда катта роль ўйнайди. Шу боис, ҳозирда ушбу жараёнларни янада такомиллаштириш устида ишлаяпмиз.

Касб байрами қурилиш соҳасининг барча вакиллари муборак бўлсин! Янада чироили, шинам ва сифатли иншоотлар қуришингизда куч-қувват тилайман.

Шерзод СУЛТОНОВ,

“Иссиқликтаъминоти” АЖ бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари:



– Ҳозирги кунда юртимизда қурилиш соҳаси жадал ривожланыпти. Бу жараёнда иссиқлик таъминоти соҳасининг ҳам хиссаси бор. Қолаверса, Президентимизнинг 100-сонли қарори билан “Иссиқликтаъминоти” АЖ ташкил этилиб, унинг олдига ҳам улкан мақсадлар қўйилган. Жумладан, марказлашган иссиқлик таъминотини 2030 йилга қадар 36 фоиздан 58 фоизга кўтариш топшириғи берилган. Бу эса, ўз навбатида катта қурилишларга ҳам йўл очди. Вилоятлар, шаҳар ва туманларда қўшимча иссиқлик таъминоти қозонхоналари ва қозонхоналар қурилиб, аҳолини иссиқлик билан тўлиқ таъминлаш чора-тадбирлари қўрилмоқда.

Мамлакатимиз ривожини йўлга тиним билмай меҳнат қилаётган қурилиш соҳаси ходимларини касб байрами билан табриклаймиз.

Элдорбек СИДДИҚОВ,

“Қурилиш соҳасида ахборот коммуникация технологияларини ривожлантириш маркази” директори ўринбосари:



– Касб байрамини нишонлаётган ҳар бир соҳа вакили кўнглидан амалга оширган ишлари, келажақдаги режа ва мақсадлари ўтса, ажабмас. Марказимиз жамоаси ўз фаолияти орқали юртимиз қурилиш соҳаси ривожига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Хусусан, бугунги кунга қадар “Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизими негизда 30 дан ортик платформа ишга туширилди. Бу каби тизимлар қурувчилар билан бир қаторда, юртдошларимизга ҳам қулайлик яратмоқда. Келгусида ҳам замонавий технологияларни қўллаган ҳолда халқимизнинг оғирини енгили қилиш мақсадида кўплаб ишларни амалга оширишни ният қилганмиз.

Ўзбек халқининг энг катта орузларидан бири – албатта, уйи-жойли бўлишидир. Шу мақсадда жорий йилда уй-жой қурилишида иштирок этаётган фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида эс-кроу тизими тест режимида ишга туширилди. Бу орқали ишончли дивелоперлар бозори шакллантирилмоқда. Энди халқимиз уй сотиб олаётганда қурувчига алданмайди, пулини йўқотмайди ҳам.

Юртимиз ривожини йўлида меҳнат қилаётган барча бунёдкорларга касб байрами кутлуг бўлсин!



Дилмурод ҲАБИБУЛЛАЕВ, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазириликнинг Хоразм вилоятига бириктирилган вакили:

– 2025 йилда Хоразм вилоятида 7 минг хонадондан иборат 200 га яқин кўп қаватли уй-жойлар барпо этилмоқда. Аҳамиятли жиҳати, ушбу бунёдкорлик ишларини амалга оширишда Хоразмнинг иқлимидан келиб чиқиб, энергиятежамкорлик масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Масалан, “Янги Ўзбекистон” массивларидаги турар жойлар учун алоҳида иссиқлик қозонхоналари қурилаётгани ҳам бу борада катта самара беради. Булардан ташқари, бугунги кунда қурилаётган уйларнинг эксплуатация қилиш масаласи ҳам доимий назоратда. Чунки фойдаланишга топширилган уйларга яхши қаралмаса, улар тез орада эскириб, яроқсиз ҳолатга келиб қолади. Шу боис, қурувчи уйни қуриб битказгач, бошқарувчи органларга бириктириб бериш масаласи долзарб ҳисобланади. Айни пайтда вилоятдаги 40 га яқин бошқарув сервис компанияси томонидан янги қурилаётган уйларга сифатли хизмат кўрсатиб келинмоқда.


Ушбу шарафли вазифани масъулият билан адо этиб келаётган соҳа вакиллари касб байрами билан табриклаймиз!



Шукрулло ЮНУСОВ,

Компетенцияни ривожлантириш институти ректори:

– Аввало, бугунги байрам билан захматқаш касб соҳиблари, юртимиз бунёдкорларини табриклайман. Бу байрамнинг айнан юртимиз мустқилиги тантаналари арасида нишонланиши ҳам бежиз эмас, деб ўйлайман. Чунки ҳар бир соҳа ёки ҳар бир ташкилотнинг ўзига яраша мақсад ва режалари, эришган ютуқлари бўлади. Бу байрам, бир ҳисобдан соҳа ходимлари учун сарҳисобдир. Хусусан, бизнинг институтимизда ҳам бу бўйича анча самарали ишлар амалга оширилди. Худудий филиаллар ташкил этилиб, қисқа муддатли малака ошириш курслари давом эттириляпти. Шаҳарсозлик ва қурилиш соҳаси мутахассисларининг малакаларини оширишга хисса қўшиш мақсадида бугунги кунда ҳам фаолиятимизни кизгин давом эттирмақдамиз.



Ҳамза ОЧИЛОВ,

“Shaharsozlik hujjatlarini ekspertiza qilish Respublika markazi” ДМ етакчи мутахассиси:

– Президентимизнинг қурувчиларга йўллаган табригини эшитиб, шу касбни танлаганимдан, шу соҳада ишлаб, юртимиз ривожига хисса қўшаётганимдан ғурурландим. Айниқса, юртбошимизнинг “Сизлар каби минг-минглаб мохир қурувчи ва муҳандислар, уста ва меъморлар, лойиҳачи ва мутахассисларнинг машаққатли меҳнати билан Янги Ўзбекистоннинг янги, обод ва кўркам қиёфаси шаклланимоқда, халқимизнинг ҳаёти тобора фаровон бўлиб бормоқда. Бунинг учун барчангизга чин дилдан миннатдорлик билдираман” деган сўзлари соҳа вакиллари чексиз фахр бағишлагани рост. Зеро, бу сўзлар биз соҳа вакиллари янги куч ва янги илҳом бағишлайди.

Шундай қувончли кунда ўз касбини шараф билан адо этаётган барча қурувчиларни касб байрами билан табриклаймиз.

Умар МИРЗАЕВ,

Самарқанд вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси бошлиғи:



– Бугунги кунда Самарқанд вилоятида ҳам кўплаб бунёдкорлик ишлари амалга оширилиб, аҳоли янги уй-жойлар билан таъминланмоқда. Худудий назорат қилиш инспекциямиз мутахассислари томонидан объектлардаги қурилиш-монтаж ишлари устидан доимий назорат тадбирлари амалга оширилмоқда. Жумладан, 2025 йил давомида инспекция томонидан

2 874 та қурилиш объектида 18 214 мартаба назорат тадбирлари олиб борилган. Ўтказилган назорат тадбирларида аниқланган камчиликлар юзасидан инспекция томонидан 10 301 та ёзма кўрсатма берилган.

Демак, фаолиятимизнинг асосий мақсади – юртдошларимизни сифатли уй-жойлар билан таъминлашдан иборат. Фурсатдан фойдаланиб, Янги Ўзбекистон қурувчиларини касб байрами билан табриклайман. Жонажон Ўзбекистонимиз, шаҳар ва қишлоқларимизнинг ободлиги, халқимиз фаровонлиги йўлида қилаётган меҳнатларингизнинг роҳатини кўрин!

Обоқул МИРЗАЕВ,

“Андижон фуқаро лойиҳа” МЧЖ раҳбари:



– Бунёдкорлик соҳасида узок йиллардан буён ишлайман. Лойиҳаларимиз орқали юртимизнинг замонавий қиёфасини яратишга хисса қўшаётганимиз бизга доимо ғурур бағишлайди. Бугунги кунда жамоамизда 50 нафарга яқин мутахассис ишлайди. Охириги йилларда асосан, ёш кадрларни сафимизга жалб этаймиз. Архитектура, муҳандислик соҳаларининг кўплаб йўналишларида ишга жалб этилган ёшлар касб сирларини мароқ билан ўзлаштирмоқда. Мақсадимиз ҳам шу, ёшларни иш билан таъминлаш, уларга биланларимизни ўргатиш орқали келажаққа замин ҳозирлашдан иборат. Бугунги тантанали тадбирда соҳа вакилларига кўрсатилган эҳтиром, юртбошимизнинг самимий дил ихорлари бизга жуда катта қувонч бағишлади. Бундан илҳомланиб, янада катта куч билан, ёшлардан қолишмай ишлашда давом этамиз.

Халқимиз турмуш шароитини яхшилаш ва уларга қулай ҳаёт бағишлаш мақсадида меҳнат қилаётган бунёдкорларга касб байрами муборак бўлсин!

1, 2-бетлар



Шунингдек, Қурилиш соҳаси ходимлари кунни тизим ташкилотлари ва вилоятларда ҳам катта тантаналар билан нишонланди. Энг фаол ва фидойи ходимларга совғалар, фахрий ёрлиқ ва ташаккурномалар тақдим этилди.

Хусусан, Ўзбекистон шаҳарсозлик ва архитектура соҳасининг фидойи вакиллари бирлаштирган **“Ўзшаҳарсозлик ЛИТИ” ДМДА** Қурилиш соҳаси ходимлари кунни муносабати билан тантанали тадбир бўлиб ўтди. Тадбир давомида қурилиш ва шаҳарсозлик соҳасида самарали меҳнат қилаётган ходимларга Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири раисининг ташаккурномалари тантанали равишда топширилди. Бу - уларнинг юрт равнақига қўшган ҳиссаси, меҳнатсеварлиги ва профессионалиги учун берилган юксак эътирофдир.

Сана муносабати билан **Сурхондарё вилотида** ташкил этилган байрам тадбирида вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Шерзод Ражабов вилоят ҳокимининг ҳудуднинг янги қиёфасини барпо этиш, шаҳар ва туманлар тараққиётини таъминлаш, аҳоли ҳаётини янада обод ва фаровон этишда ўзининг фидокорона меҳнати билан муносиб ҳисса қўшаётган моҳир қурувчи ва муҳандислар, уста ва меъморлар, лойиҳачи ва пулрағчи ташкилотлар вакилларига йўллаган байрам табригини ўқиб эшиттирди. Тадбир доирасида соҳанинг бир гуруҳ илғор вакиллари вилоят ҳокимлигининг фахрий ёрлиқ ва қимматбахо совғалари билан тақдирланди.



Қурилиш - бу нафақат бино ва иншоотлар барпо этиш, балки Ватанимиз келажагини бунёд этишдир. Сизлар яратган ҳар бир иншоот - бу халқимизга хизмат қиладиган бебаҳо меросдир. Сизларнинг машаққатли меҳнатингиз, қатъият ва фидойилигингиз тўғрисида кундан-кунга чирой очмоқда, замонавий шаҳару қишлоқлар қад ростламоқда. Меҳнатингиз бардавом, ишингиз самарали, ҳаётингиз фаровон бўлсин! Юрт ободлиги йўлида қиладиган хизматларингиз тўғрисида юзингиз ёрғу, қаддингиз доимо тик бўлсин, азиз бунёдкорлар!



Байрам тантаналари **Самарқанд вилотида** ҳам кўтаринки кайфиятда бўлиб ўтди. Вилоят Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармасида бўлиб ўтган байрам тадбирида соҳа вакиллари, меъморлар, лойиҳачилар ҳамда бунёдкорлик ишларида фаол иштирок этаётган фидойи ходимлар қатнашдилар. Бош бошқарма бошлиғи Баҳодир Негматов йўллаган байрам билан табриклар, сўнги йилларда вилоят қиёфасини янгилаш, шаҳар ва қишлоқларнинг обод қилиш, замонавий бино ва иншоотлар барпо этишда соҳа ходимларининг улкан ҳиссасини алоҳида эътироф этди. Тадбир давомида қурилиш соҳасида матонат ва фидойилик кўрсатиб меҳнат қилиб келаётган бир гуруҳ соҳа вакилларига вилоят Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармасининг махсус фахрий ёрлиғи ва эсдалик совғалари топширилди.

Шунингдек, **Жиззах вилоти** ҳокимлиги анжуманлар саройида Қурилиш ходимлари кунни муносабати билан ташкил этилган тантанали тадбирда соҳа вакиллари, тажрибали муҳандислар, меъморлар, усталар ҳамда ёш мутахассислар иштирок этди. Тадбирда вилоят ҳокими вазири фақисини бажарувчи Улуғбек Мустафоев сўзга чиқиб, барча қурувчи ва бунёдкорларни касб байрами билан чин дилдан табрикларди.

Қолаверса, бу йилги байрам тадбирида наманганлик қурувчиларга ўзга-ўзга иззат-икром кўрсатилди. **Наманган шаҳридаги “Шодиёна”** тантаналар мажмуасига вилоятдаги соҳа илғорлари ва фахрийлари тақдиф этилди. Вилоят ҳокими Шавкатжон Абдураззоқов табрик сўзида кейинги 7-8 йилда амалга оширилаётган кенг қўламли бунёдкорликлар самараси ҳақида тўхталиб, бу ютуқларга беvosита ҳисса қўшаётган соҳа ходимларини касб байрами билан табрикларди.

Касб байрами тантаналари барча ҳудудларда кўтаринки кайфиятда нишонланди.

Деновда бунёдкорлик ишлари қизгин давом этмоқда

Ғайрат БҒРИЕВ, Сурхондарё вилоти ҳокимлигининг Ахборот хизмати бош мутахассиси.

Сўнги йилларда мамлакатимизда шаҳар ва туманларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳолининг яшаш шароитларини яхшилаш, замонавий инфраструктураларни барпо этиш борасида давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида кенг қамровли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Шу маънода, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Денов тумани ривожлантиришга доир қарор ва топшириқлари асосида ушбу ҳудудда ҳам янги босқичдаги қурилиш, ободонлаштириш ва инвестиция лойиҳалари ҳаётга татбиқ этилмоқда. Жумладан, аҳоли сони тобора ортиб бораётган ва урбанизация жараёни жадал кечатган туманда эндиликда 3 500 хонадонли турар жой мажмуаси қурилиши бошланди.

ЯНГИ МАЖМУА – ЗАМОНАВИЙ ҲАЁТ ТАРЗИ САРИ ҚАДАМ

Ушбу йирик турар жой мажмуаси аҳоли учун барча зарур шарт-шароитлар инobatта олинган ҳолда лойиҳалаштирилган. Маҷмуа таркибида биринчи ва иккинчи қаватларида савдо ҳамда хизмат кўрсатиш нуқталари жойлашадиган кўп қаватли уйлар, хусусий мактаб, клиника, автотураргоҳ, болалар майдончалари, яшаш учун қулай инфраструктура ҳамда бошқа сервис хизматлари назарда тутилган.

Лойиҳа “Хавфсиз ҳудуд” тамойили асосида ишлаб чиқилган бўлиб, у замонавий шаҳарсозлик талабларига тўлиқ жавоб беради. Маҷмуа қурилишига Сурхондарё вилоти ҳокими Улуғбек Қосимов, туман раҳбарлари, нурунийлар, фаоллар ҳамда жамоатчилик вакиллари иштирокида тамал тоши қўйилди. Тадбирда вилоят ҳокими мазкур лойиҳа аҳолини муносиб турар жой билан таъминлашда, янги иш ўринлари яратишда ва ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлади. Шунингдек, бундай кенг қўламли қурилиш ишлари келгусида бошқа туман ва шаҳарларда ҳам босқичма-босқич амалга оширилиши режалаштирилгани қайд этилди.

ЗАМОНАВИЙ БОЗОРЛАР – ТАДБИРКОР ВА ХАРИДОРГА ҚУЛАЙЛИК

Савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳамда аҳоли учун қулай бозор инфраструктурасини яратиш мақсадида Денов туманидаги эски бозорларни модернизация қилиш ишлари ҳам жадал сураётларда олиб борилаётган.

2024 йил 23 декабрь кунини туманда қурилиш материаллари ва мол бозорларини қайта қуриш бўйича лойиҳаларга старт берилган эди. Яқинда ма-



кур лойиҳа доирасида Қизилсув дарёси бўйида жойлашган ва қайта қурилган “Денов чорва бозори”, “Денов тахта бозори” ҳамда “Денов темирчилар бозори” тантанали тарзда фойдаланишга топширилди.

Очилиш маросимида сўзга чиққанлар бозорлар қайта қурилишидан аввалги аҳоли - антисанитария ва номувофиқ шарт-шароитлар ҳукм сурган даврни эsgа олиб, бугунги замонавий, тартибли ва санитар талабларга тўлиқ жавоб берадиган бозорлар халқимиз учун беқиёс қулайлик яратишини алоҳида таъкидлашди. Шунингдек, ушбу ҳудудда темирчилик, қурилиш материаллари ва бошқа йўналишлардаги савдо нуқталарини ташкил этиш иш-

рига ҳам старт берилди. Лойиҳаларни сифатли ва қисқа муддатда амалга ошириш юзасидан масъул раҳбарларга аниқ вазифалар белгилан берилди.

Бугунги кунда Денов туманида амалга оширилаётган ушбу лойиҳалар нафақат ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини оширишга, балки аҳолининг ҳаёт сифатини яхшилаш, янги иш ўринлари яратиш ва замонавий шаҳар муҳитини шакллантиришга хизмат қилмоқда. Бу каби кенг қамровли қурилиш ва ободонлаштириш ишлари Президентимиз бошчилигидаги ислохотлар самараси, халқ манфаатларига қаратилган саъй-ҳаракатлар амалий ифодаси сифатида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Қурувчилар байрами арафасида ишга тушган объектлар

Шарифа АБДРАЗИЕВА, Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири раисининг махсус ва архив ишлари бўйича бош мутахассиси.

Оролбўйи минтақасида фаолият кўрсатаётган бунёдкорлар касб байрами муносиб совғалар билан қутиб олишди. Қурувчилар кунини арафасида 6 та овул фуқаролар йиғини учун замонавий маҳалла маркази, 3 та ишлаб чиқариш корхонаси биноси, Беруний, Эллиққалъа, Амударё, Шуманай туманларидаги 7 та кўп қаватли уйлар агрофи ободонлаштирилиб, аҳоли учун спорт майдончалари ҳамда хизмат кўрсатиш шохобчалари қурилиб, фойдаланишга топширилди.



Булардан ташқари, Нукус тумани ҳудудида жойлашган “Дикан арна” маҳалла фуқаролар йиғинида қисқа муддатда қу-

рилиб, замон талабларига мос оилавий шифокорлик пунктнинг ишга тушгани ҳам бунёдкорларнинг аҳолига муносиб

совғаси бўлди. Қолаверса, ушбу тиббиёт маскани давлатимиз раҳбарининг аҳоли саломатлигини яхшилаш, уларга сифатли тиббий хизмат кўрсатиш, тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва бирлаштириш тиббий хизмат кўрсатиш муассасалари фаолиятини тубдан такомиллаштиришни янги босқичга кўтаришга йўналтирилган қарорига биноан, Ислмо тараққиёт банки ва ОПЕК халқаро тараққиёт фонди иштирокида Қишлоқ жойларни барқарор ривожлантириш лойиҳаси бўйича амалга оширилди.

Янги тиббиёт масканида беморларни даволашга мўлжалланган барча шарт-шароитлар яратилган бўлиб, лаборатория, эмлаш ва даволаш хоналари мавжуд.

ГИДРОЭНЕРГЕТИКА – БУГУН ВА ИСТИҚБОЛЛИ КЕЛАЖАК

Адхам ЭГАМБЕРДИЕВ, "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Сўнгги йилларда Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси ва инвестиция дастурлари доирасида республикада қайта тикланувчи энергия манбаларини жадаллик билан ривожлантириш, соҳага замонавий технологияларни жалб этган ҳолда, электр энергияси ишлаб чиқариш қувватларини кескин ошириш, аҳолини узлуксиз табиий электр энергияси билан таъминлаш борасида кенг ислоҳотлар олиб борилмоқда. Бу борада "O'zbekgidroenergo" АЖ томонидан соҳани янада тараққий эттириш, ишлаб чиқаришни жадаллаштириш, мамлакат ва аҳолининг электр энергиясига бўлган эҳтиёжини узлуксиз қондириш бўйича улкан ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Сўнгги йилларда давлатимиз Раҳбари томонидан амалга оширилаётган ислоҳотлар соҳада катта ўзгаришларга сабаб бўлди, – деди "O'zbekgidroenergo" Ижро аппарати раҳбари Сухроб Хамраев. – Истикболли лойиҳалар ҳисобига мамлакат гидроэнергетик салоҳияти 2 миллион аҳолини электр таъминоти билан таъминлашга етарли бўлади. Сув тақчил ҳудудларда ҳам ундан оқилона фойдаланиш борасида барча чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Бу борада керакли ишлар амалга оширилмоқда. Уйлаймики, мавжуд имкониятлар эвазига ҳам керакли муқобил энергия ишлаб чиқариш имкониятига эга бўламиз. Ҳозирдан ушбу соҳага эътибор қаратилгандани эса соҳанинг келажақда жадаллик билан ривожланишига замин ҳозирлайди. Албатта, буларнинг бари давлатимизнинг ақли сиёсати самарасидир.

Жамият томонидан 2025 йил биринчи ярим йиллик давомида амалга оширилган кенг қўламли ишлар бунинг яққол исботидир. Эътиборли жиҳати, Жамият ташкил топган 2017 йилдан бугунги кунга қадар амалга оширилган янги қурилиш ҳамда модернизация лойиҳалари эвазига яратилган қўшимча 450 МВт қувватлар орқали жорий йилдаги электр энергияси ишлаб чиқариш ошириб борилмоқда. Натижада, сўнгги 8 йилликдаги ўртача кўрсаткичга нисбатан 500-600 миллион кило-

ватт-соат ёки 10-15 фоизга кўп электр энергияси ишлаб чиқарилиб, белгиланган режа кўрсаткичи бажарилиши таъминланди. Ҳозирги кун маълумотига кўра, мамлакатда техник гидроэнергетика салоҳияти йилга 27,4 млрд кВт соатни ташкил этади. Бугунги кунда мавжуд салоҳиятнинг тахминан 25 фоизидан фойдаланилмоқда. ГЭСлар барқарор кунлик электр энергиясини таъминлашнинг самарали воситаси, нархи бошқа манбаларга

кўраганда анча арзон ва экологик тоза-лиги, унинг аҳамияти нақадар бекиёс эканлиги билан ҳам аҳамиятлидир.

Шу боис, Президентимиз томонидан 2024-2028 йилларда гидроэлектр станциялар қувватларини 6 минг мегаваттга, ўртача йиллик ишлаб чиқариш ҳажминини 17-19 миллиард кВт соатга етказиш бўйича беш йиллик дастур ишлаб чиқиш ҳамда бунга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш зарурлиги алоҳида қайд этилган. Шу нуқтаи назардан, "O'zbekgidroenergo" АЖ гидроэнергетика ривожлантириш стратегиясига мувофиқ, истикболли лойиҳаларни амалга ошириш ҳисобига қўшимча қувватларни яратиб, 2028 йилга бориб умумий электр энергияси ишлаб чиқариш қувватларини 6 минг мегаваттга етказиш ва бу орқали ўртача йиллик ишлаб чиқариш қувватини қарийб 19 миллиард кВт соат ёки 3 баравар ошириш учун зарур чораларни кўрмоқда.

2025 йил давомида Жамият томонидан 405 миллион долларлик, йиллик ишлаб чиқариш қуввати 912,0 млн кВт соатга тенг 32 та лойиҳа ишга туширилади. Бу каби кўрсаткич мамлакат саноятининг ҳеч қайси бир йўналишида илгари кузатилмагани билан аҳамиятлидир. Жамият бу билан чекланиб қолмасдан, ҳудудларда ҳам сув ва паст босимда самарали электр энергия-



и ишлаб чиқариш қобилиятига эга микроГЭСларни, шу жумладан, Сурхондарё вилоятида умумий қуввати 150 киловаттга тенг 8 та, Қорақалпоғистон Республикасининг Нукус ва Ҳўжайли туманларида жами қуввати 145 киловатт тенг 5 та кинетик турдаги турбинали мобил микроГЭСларни ишга туширди. Қувонарлиси, 2025-2026 йилларда Чорбоғ сув омбори юқори қисмида Хитой Халқ Республикасининг беғараз қўмак грант маблағи эвазига умумий қуввати 20 МВт, йиллик ишлаб чиқариши 50 млн кВт соат тенг 4 та шомол станцияси қад ростлайди ҳамда аҳолини электр энергияси билан таъминлаш кўрсаткичи янада ошади. Натижада, Жамият таркибидаги умумий ГЭСлар сони 100 дан ошириш режалаштирилган бўлиб, Жамият ташкил топган 2017 йил билан таққослаганда, ўсиш суръатлари 3 бараварни ташкил этади.

Яна бир муҳим йўналиш – Жамият томонидан тармоқда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар иштирокидаги лойиҳалар қўламини кенгайтириш, уларни амалга оширишда қатъий назорат механизминини ўрнатилган ҳамда истикболли лойиҳалар ижросини ташкил этиш юзасидан қўрилайётган чора-тадбирлар натижасида жаҳон ҳамжамиятида "O'zbekgidroenergo" компанияси энг юқори кўрсаткичларда этироф этилмоқда.

Бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш муҳим масала

Жонибек ЖўРАЕВ, Маданий мерос агентлиги Ички аудит ва молиявий назорат бўлими бошлиғи.

Ўзбекистон Республикаси Маданий мерос агентлиги Ички аудит ва молиявий назорат бўлими томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 10 июлдаги "Бюджет маблағларидан фойдаланиш устидан молиявий назоратни кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" ги ПФ-100-сонли Фармони ижроси юзасидан бир қатор таҳлилий ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 25 декабрдаги ПҚ-455-сонли қароридан Ўзбекистон Республикаси Маданий мерос агентлигига 2025 йилда бюджет маблағларидан фойдаланиш учун жами 177,3 миллиард сўмлик маблағлар ажратилган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 1 августдаги 416-сонли қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2022 йил 22 ноябрдаги 63-сон буйруғига асосан, Ички аудит ва молиявий назорат бўлимининг иш режаси Агентлик директори томонидан 2024 йил 25 декабрда тасдиқланган.

Ушбу иш режа ижроси юзасидан ички аудит тадбирлари ўтказиш бўйича объектлар рўйхати шакллантирилиб, белгиланган тартибда текширишлар ўтказилиб келинмоқда. Жорий йилнинг 7 ойи давомида Маданий мерос агентлиги тизимидаги 6 та ташкилотда ички аудит текширишлари ўтказилди.

Ҳозирда бўлим томонидан бир қатор вазифалар ижросини таъминлаш юзасидан қуйидаги ишлар амалга оширилмоқда:

- бюджет тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларига риоя этилишини таҳлил қилиш ва баҳолаш, бюджет ҳисобининг юритилиши ҳамда молиявий ҳисоботлар шакллантирилишини ўрганиш орқали бюджет интизомини мустаҳкамлаш;
- масофавий аудитни қўллаган ҳолда, бюджет маблағларидан мақсадсиз ва самарасиз фойдаланиш хавфларини аниқлаш, минималлаштириш, уларни содир этишга имконият яратувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш орқали бюджет тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларининг бузилиш ҳолатлари профилактикасини амалга ошириш;
- ривожлантириш дастурларининг самарадорлиги натижаларини таҳлил қилиш ва баҳолаш, мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш орқали бюджет харажатларининг самарадорлиги ва натижадорлигини ошириш шулار жумласидан.

"Agro Finans Lizing" АЖ

томонидан Самарқанд вилояти, Пайарик туманида қурилиш режалаштирилаётган меҳмонхона объектини барпо этиш мақсадида қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш учун лойиҳачи ва бош пудратчи ташкилотларни танлаб олиш бўйича танлов эълон қилинади!

Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш юзасидан танловда иштирок этиш истегиди бўлган ташкилотлар таклифлари қабул қилинади.

Энг самарали иқтисодий таклифлар киритган ташкилотлар танлов ғолиби сифатида танланади.

Таклифлар 2025 йилнинг 14 августига қадар Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, 3-квартал, 74-уй манзилида қабул қилинади.

Маълумот учун телефон: 90-319-79-99

ТУҒИЛГАН КУНИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

2025 йил август ойининг 12-18 саналарида таваллуд айёмларини нишонлайдиган

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги Ийғма ахборот-таҳлил ва мониторинг бўлими етакчи мутахассиси **Нодир Ходжаев**, Коррупцияга қарши курашиш бўлими бош мутахассиси **Шерали Кучкароров**,

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси Ер ости сувларидан фойдаланиш назорат қилиш ва мувофиқлаштириш бўлими етакчи мутахассиси **Максуд Асадуллаев**,

"Shaharsozlik hujjatlarini ekspertiza qilish Respublika markazi" ДМ директори ёрдамчиси **Акмалходжа Бахрамов**, Ахборот-коммуникация технологиялари бўлими етакчи мутахассиси **Бекзод Йигиталиев**, Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси бошқармаси бошлиғи **Жамшид Раджабов**,

"Urbanizatsiya va shaharsozlik hujjatlarini ishlab chiqish Respublika markazi" ДМ Халқаро алоқалар ва ҳамкорлик масалалари бўлими бош мутахассиси **Худоёр Қўзиёев**,

Техник метерлаш ва стандартлаштириш илмий-тадқиқот институти Бухгалтерия ва молия бўлими етакчи мутахассиси **Иззатилло Раҳмонов**, Энергоаудит ва энергосамарадорлик экспертизаси бўлими бош мутахассиси **Акф Мамедов**, Таълим хизматларини кўрсатиш бўлими бошлиғи **Шухрат Джуманазаров**, фаррош **Фотима Иргашова**,

"Коммунал лойиҳа илмий-тадқиқот институти" Давлат муассасаси етакчи муҳандиси **Хуршиддин Кочкароров**,

"O'zog'irsanoatloyiha" институти АЖ ООПР кўриқчиси **Собир Шамшиев**, бошқарув бўлими SMM менежери **Арофат Эрматова**, АСС-1 сектор раҳбари **Улуғбек Сидиков**, Умумий масалалар ва кадрлар тайёрлаш бўлими директор ўринбосари **Ўткир Кучкарбаев**, ВК муҳандиси **Суннатгулла Илҳомов**, ИЛСК техниги **Азиза Абдураҳимова**,

"Ўзшаҳарсозлик ЛИТИ" ДМ Архитектура-қурилиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш бошқармаси 4-устaxonasi архитектори **Дмитри Мордвинов**, Илмий тадқиқотлар ва инновациялар бўлими бошлиғи **Баҳодир Садиқов**, Смета ва нархларни шакллантириш бўлими бошлиғи ўринбосари **Ҳожиақбар Икромов**, Тизимли таҳлил, назорат ва хатлар бўлими бошлиғи **Жаҳонгир Жумаев**, Техник бўлим 1-тоифали мутахассиси **Варвара Цой**, Бухоро филиали етакчи архитектори **Фазилиддин Худойбердиев**,

"Ташгипрогор" АЖ юрисконсулты **Фарход Ражабов**, Сектор раҳбари (ГАП) **Марк Бурлаков**,

Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги Кўп квартиралли уйлари бошқаруш тизимини ривожлантириш ва реновация лойиҳаларини амалга ошириш бўлими бошлиғи **Руслан Калжанбаев**, Давлат хизматларини кўрсатиш бўлими бош мутахассиси **Сардор Сайбиров**, Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида

худудий назорат қилиш инспекцияси Ичимлик сувидан оқилона фойдаланиш ва сотишни мувофиқлаштириш ҳамда оқова сув хизматларидан фойдаланиш бўлими бошлиғи **Камал Азевов**, бош мутахассис **Ҳайрат Тулекбаев**, хайдовчи **Тимур Намжуддинов**,

Бухоро вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси диспетчерлик хизмати оператори **Руслан Худойбердиев**, Бухоро вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида худудий назорат қилиш инспекцияси лаборанти **Исматилло Ҳусайнов**,

Сирдарё вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси Архитектура ва қурилиш соҳаси бўйича бош мутахассис **Шаҳман Эшбаев**, Давлат хизматлари кўрсатиш бўлими етакчи мутахассиси **Шаҳзод Ҳатамов**,

Фаргона вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси Архитектура ва худудларни ривожлантириш режалаштириш шўъбаси етакчи мутахассиси **Сардорхон Содикхонов**, уй-жой ва коммунал хўжалиги бўйича бош мутахассис **Азизахон Бозорова**, архитектура ва худудларни режалаштириш бўйича бош мутахассис **Жаҳонгир Низомиддинов**,

Хоразм вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси Кўп квартиралли уйлари бошқаруш ва реновация лойиҳаларини амалга ошириш шўъбаси бош мутахассиси **Шухрат Полвонов**, Девонхона ва ижро назорати бўйича бош мутахассиси **Алишер Юсупов**, архитектура ва қурилиш соҳаси бўйича бош мутахассис **Имомаддин Рўзметов**, слесарь-сантехник **Рафаэл Илясов**,

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги тизимидаги "Иссиқлик манбаи" ДУК Хоразм вилояти Режа-техник бўлими бошлиғи **Дониёр Мадраҳимов**,

Тошкент шаҳар Сергели туманидаги "Integral House" МЧЖ БСК раҳбари **Лилия Рогачева**, Шайхонтоҳур туманидаги "Коммунал кластер плус" МЧЖ БСК раҳбари **Алибек Хўжақулов**, Яққасарой туманидаги "Fayzli Uy" МЧЖ БСК раҳбари **Владимир Андропов**, Қашқадарё вилояти Муборак туманидаги "Муборак улкан иншооти" МЧЖ БСК раҳбари **Ихтиёр Фармонов**, Наманган вилояти Поп туманидаги "Рамазон Олтинкон" МЧЖ БСК раҳбари **Холбуважон Барзиев**, Хоразм вилояти Қўшқўпир туманидаги "Қўшқўпир парлок келажак ПБК" МЧЖ раҳбари **Сайёра Худайберганова**, Урганч туманидаги "Konstruktion global hous stroy" МЧЖ БСК раҳбари **Атабек Аллаберганов**,

Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманидаги "Tong-Nuri" уй-жой мулкдорлари ширкати бошқарувчиси **Хусниддин Қосимов**, Чилонзор туманидаги "Yotug'lik-Kommunal-Servis" уй-жой мулкдорлари ширкати бошқарувчиси **Александр Волков**, Шайхонтоҳур туманидаги "Obi-Nazir-Kommunal-Servis" уй-жой мулкдорлари ширкати бошқарувчиси **Ирина Пенковаларни** таваллуд куни билан чин дилдан муборакбод этамиз.

УЛАРГА СИҲАТ-САЛОМАТЛИК, УЗОҚ УМР,
ОИЛАВИЙ ХОТИРЖАМЛИК, МУСТАҲКАМ СОҒЛИҚ ТИЛАЙМИЗ!



IJTMOIY-IQTISODIY GAZETA
O'ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Шерзод Хидоятлов,
(Таҳрир хайъати раиси),
Давронжон Адилов,
Тоир Алиматов,
Озода Жўраева,
Сирожиддин Эшқувватов,
Козим Туляганов,
Юлдаш Магруппов,
Бобир Эмүрдов,
Илҳом Аҳмедов.

ТАҲРИРИЯТ:

Бош муҳаррир **Дилшод Жалолов**

Бош муҳаррир ўринбосари **Райҳона Хўжаева**

Саҳифаловчи **Акмал Махкамов**

Мусоҳиҳ **Марҳамат Муслимонкулова**

Газета "Ўзбекистон бунёдкори"
НАШРИЁТ УЙИ МЧЖ томонидан
нашрга тайёрланди.

"ЎЗБЕКISTON БУНЁДКОРИ"
НАШРИЁТ УЙИ МЧЖ
МУАССИСАЛИ:

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги,
"Ўзсанотқурилишматериаллари" уюмчаси, "ЎзГАШКЛИТИ" МЧЖ,
"ЎзшаҳарсозликЛИТИ" ДМ,
"Қишлоқ қурилиш инвест" ИК МЧЖ,
"ЎзгеорангметЛИТИ" ДУК.

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

100011, Тошкент шаҳри,
Навий кўчаси, 18-уй.

Телефонлар:

71-241-01-29 (кабулхона),
71-241-01-43 (таҳририят),
71-241-01-29 (бухгалтерия),
71-208-12-00 (реклама ва обуна бўлими).

E-mail: info@uzbunyodkor.uz

ХУДУДЛАРДАГИ
МУХБИРЛАРИНИНГ
ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:

Қорақалпоғистон Республикаси: 90-658-50-43.
Андижон вилояти: 93-410-15-18.
Бухоро вилояти: 99-704-66-69.
Жиззах вилояти: 99-525-30-05.
Қашқадарё вилояти: 90-287-50-29.
Наманган вилояти: 99-731-17-40.
Самарқанд вилояти: 91-365-07-36.
Сирдарё вилояти: 95-560-30-45.
Сирдарё вилояти: 94-916-99-77.
Сурхондарё вилояти: 97-847-30-11.
Фаргона вилояти: 90-349-55-56.
Хоразм вилояти: 97-790-47-61.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси – 466.
Буюртма – Г-841.
1780 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2.

Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилган. Баҳои келишилган нархда. ISSN 2181-8762. Таҳририятта келган қўлёзмалар тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

КОРХОНА МАНЗИЛИ:

Тошкент шаҳри,
"Буёқ Турон" кўчаси, 41.

Навбатчи муҳаррир –
Р. Хўжаева.
Навбатчи –
А. Эгамбердиев.

ЎА яқуни – 22.30.
Топширилди – 23.45.

123456

Газетанинг навбатдаги сони
19 август куни чиқади.